

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил июль ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди ўз биносида, видеоконференция алоқа тизимидан фойдаланган ҳолдаги очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи О.Мирсадиқов, О.Ҳолйигитовнинг котиблигида, тарафлардан Боғдод туман прокурори ёрдамчиси Б.Бустонов, жабрланувчи Э.Усмонов, судланувчилар А.Абдурахмонов ва А.Абдуғаниев ҳамда уларнинг ҳимоячиси “Norm consult” адвокатлик бюроси адвокати С.Тиллаволдиевнинг иштирокида, Абдурахмонов Азизбек Ортиқназар ўғли ва Абдуғаниев Акбаржон Ахроржон ўғлига нисбатан 1-1507-2101/153-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдурахмонов Азизбек Ортиқназар ўғли (Abdurahmonov Azizbek Ortiqnazar o'g'li) - 2002 йил 01 март куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишламайди, муқаддам:

1) 29.01.2021 йилда ЖИБ Боғдод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,62-моддаларига кўра 4 йил 8 ой 21 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазони 4 йил 6 оyi ўталмаган, Боғдод тумани Амиробод қишлоғида рўйхатда туриб, Чекмирзаобод М.Ф.Й, Чекмирзаобод қишлоғи, Шарқ Юлдузи кўчаси 53-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқ қўлланилган, айблов ҳулосасини нусхасини 2021 йил 2 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Абдуғаниев Акбаржон Ахроржон ўғли (Abdug'aniev Akbarjon Aхроrjon o'gli) - 2002 йил 19 июль куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишламайди, судланмаган, Боғдод тумани Амиробод М.Ф.Й, Амиробод қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида уй қамоғи қўлланилган, айблов ҳулосасини нусхасини 2021 йил 2 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:



## А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Абдурахмонов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 19 май куни соат 23.30 да ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, таниши А.Абдуғаниев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда Боғдод тумани Дўстлик қишлоғи ҳудудида жойлашган “Усмонов Эркиёр” номли фермер хўжалиги дала шийпониға келиб, дала шийпонидаги хонаға эшик орқали ғайриқонуний равишда кириб, хона ичида бўлган фуқаро Э.Усмоновға тегишли 1 дона нархи 890.000 сўмлик электр аррани яширин равишда талон-торож қилиб, таниши Ф.Аҳмедовға жиноий йўл билан қўлга киритилганлигини айтмасдан 100.000 сўмға сотиб юбориб, пулларни ўзаро тақсимлаб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Ф.Аҳмедовдан Э.Усмоновға тегишли бўлган 1 дона электр арра ашёвий далил тариқасида олиниб, жабрланувчига тилхат орқали қайтарилган.

Судланувчи А.Абдурахмонов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил 18 апрелда синфдоши А.Абдуғаниев билан бирға иш излаб бандлик бўлимиға кириб, шу орқали Бағдод тумани Пахтаобод қишлоғи ҳудудида жойлашган “Эркиёр Усмонов” номли боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Э.Усмонов билан учрашиб фермер хўжалигида иш бошлаганларини, Э.Усмонов ҳар ойиға 1.000.000 сўмдан ойлик маош беришға розилик берганлигини, 18.05.2021 йил куниға қадар 1 ой давомида ушбу фермер хўжалиги шийпонида ётиб қолиб ишлаганларини, 18.05.2021 йил куни Э.Усмоновға ишдан кетаётганларини, ойлик маошини беришни айтганида у А.Абдуғаниев иккаласиға 500.000 сўмдан маош берганлигини, аввал Э.Усмоновдан 200.000 сўм маош олганлигини, ундан қолган маошини ҳам беришини сўраганида, қолган маошни кейин беришини айтганлигини, ушбу фермер хўжалигида ишлаб юрган вақтида шийпоннинг ичидаги полнинг тагида 1 дона электр арра турганлигини кўрганлигини, шийпондан кетганларидан сўнг А.Абдуғаниевға ўша ерда электр арра борлигини ўшани ўғирлаб келиб сотиб юбориш ҳақида гапирганлигини, шунда у ҳам рози бўлганлигини, 19.05.2021 йил куни соат 23.00 да А.Абдуғаниев билан бирға Пахтаобод қишлоғиға бориш учун йўловчи “ВАЗ-2106” русумли машинаға чиқиб, Дашт массивиға бориб, машинадан тушиб қолиб, А.Абдуғаниев билан дала шийпони яқиниға борганлигини, А.Абдуғаниев атрофни кузатиб туришға ўзи эса шийпонға кириб электр аррани олиб чиқишға келишганларини, сўнг бир ўзи шийпон ичига кириб полнинг тагида турган 1 дона қора-қизил рангли электр аррани олиб чиқиб, А.Абдуғаниев билан бирға катта йўлга чиқиб, йўловчи “Нексия-1” русумли машинаға ўтириб туман марказиға қайтиб келишганлигини, сўнг Бекобод қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган биноға ушбу электр аррани яшириб қўйиб, ўзлари кўприк тагиға бориб кийимларини алиштириб ўша ерда тунаб қолганларини, 20.05.2021 йил куни электр аррани яширган жойидан олиб, 88-сонли мактаб интернатида



ишлаган Ф.Ахмедовнинг уйига бориб электр аррани ўзига тегишли эканлигини. Пул зарур эканлигини айтиб 100.000 сўмга сотиб пулларни бўлишиб олишганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, пулга муҳтож бўлиб, уйсиз қолганлиги, қариндошлари ҳам уйдан ҳайдаб юборганлиги, моддий томондан қийналганлиги сабабли жинойтга қўл урганлигини, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Абдуғаниев судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2021 йил 18 апрель куни таниши А.Абдурахмонов билан ишлаш мақсадида Бағдод тумани Бандликка кўмаклашиш марказига келиб бўш иш ўринларини суриштириб, Бағдод тумани Дўстлик қишлоғида жойлашган Э.Усмоновни фермер хўжалигига ишга жойлашганларини, тахминан 1 ой давомида ўша ерда ишлаганларини, 2021 йил 18 май куни Э.Усмонов уларга иш ҳақини берганлигини, лекин келишилган ойлик маошни бермаганлигини, шу куни кечки вақт А.Абдурахмонов унга Э.Усмонов иш ҳақини тўлиқ бермаганлиги сабабли унинг дала шийпонида полнинг остида электр арраси борлигини, шуни ўғирлаб сотиб, пулини бўлишиб олишни таклиф қилганлигини, уни таклифига рози бўлганлигини, 2021 йил 19 май кунидан 20 май кунига ўтар кечаси соат 01.30 да А.Абдурахмонов билан бирга Э.Усмоновни боғига электр аррасини ўғирлаш учун боришганини, А.Абдурахмонов унга атрофни кузатиб туришни ўзи кириб электр аррани ўғирлаб чиқишини айтиб ичкарига кириб кетганлигини, бироз вақт ўтиб у кўлида электр арра билан чиққанини, кейин йўловчи машинада туман марказига келиб, ўғирланган электр аррани ҳали қуриб битказилмаган савдо дўкони ичига яшириб қўйишганини, эртаси куни А.Абдурахмонов билан бирга электр аррани яширган жойдан олиб, сотишлик учун 88-мактаб интернатда қоровул бўлиб ишловчи Ф.Ахмедовни уйига олиб бориб 100.000 сўмга сотиб, пулларини бўлишиб олишганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Э.Усмонов судда, 2021 йил 18 апрель куни Бағдод тумани Меҳнат биржаси орқали А.Абдурахмонов ва унинг шериги А.Абдуғаниевларни фермер хўжалигига ишга олганлигини, уларни ҳар бирига ойига 1.000.000 сўм иш ҳаққи беришга келишганлигини, улар дала ер майдонидаги шийпонда ётиб, ўша ерда ишлаганлигини, уларни овқат-озигини қилиб берганлигини, ҳар куни 1 маротаба фермер хўжалиги шийпонига бориб, уларни қилаётган ишидан хабар олиб, уларга нима иш қилишини белгилаб бериб келганлигини, А.Абдурахмонов оилавий шароити яхши эмаслигини, пул бериб туришни, айтгани учун унга 250.000 сўм пул берганлигини, 2021 йил 17 май куни шийпонга борган вақтида, А.Абдурахмонов уйга бориб келишга рухсат сўраганлигини, иккисига 500.000 сўмдан берганлигини, уларни отаси машинасида уйларига ташлаб қўйганлигини, 2021 йил 19 май куни улар фермер хўжалигига ишга келишмаганлигини, 2021 йил 20 май куни Фермер хўжалигига борган вақтида, шийпони ичида бўлган ўзига тегишли 1 дона нархи 890.000 сўмлик электр арра йўқлигини кўрганлигини, танишларидан



ҳамда оила аъзоларидан суриштирганлигини лекин топа олмаганлигини, сўнг ИИБга хабар берганлигини, ИИБ ходимлари суриштирув ўтказиб дала шийпонида ўғирлик қилганлар А.Абдурахмонов ва А.Абдуғаниевлар эканлигини аниқлаб, электр аррани ўзига қайтариб олиб келиб беришганлигини, ҳозирда судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ф.Ахмедов судда, 2021 йил 20 май куни соат 06.30 да уйда бўлган вақтида интернатда таҳсил олиб кетган А.Абдурахмонов шериги билан келиб, электр арраси борлигини, ушбу аррани сотиши кераклигини пул жуда зарур эканлигини айтганлигини, шунда ундан ушбу электр аррани қаердан олганлигини, кимники эканлигини, уни ўғирлаб олиб келмаганлигини сўраганида, у ушбу электр аррани ўзиники эканлигини, ўғирлик эмаслигини, пул зарур бўлиб қолганлиги, уни таниганлиги учун уни олдига сотиш учун олиб келганлигини, ўғирлик бўлганида уни олдига олиб келмаган бўлишини айтгани учун уни гапларига ишониб, ўзаро келишиб 100.000 сўмга сотиб олганлигини, орадан бир неча кун ўтиб уйига ИИБ ходимлари келиб А.Абдурахмонов сотиб кетган электр аррани олиб кетишганлигини, ўшанда уни ўғирлик эканлигини билганлигини, агарда аввалдан билган бўлганида уни ҳеч қачон сотиб олмаган бўлишлигини айтиб ўтди.

Суд, суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафлар фикрини ва кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, А.Абдурахмонов ва А.Абдуғаниевларнинг жиноят содир этганликдаги айблари, уларнинг ўз айбларига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойларини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 5-12), далилий ашёни олиш баённомаси (и.в. 28), нарсани кўздан кечириш баённомаси (и.в. 34-35) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ исботланган деб топади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.Абдурахмоновнинг хавfli рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 19 май куни соат 23.30 да таниши А.Абдуғаниев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда “Усмонов Эркиёр” номли фермер хўжалиги дала шийпонидаги хонага эшик орқали ғайриқонуний равишда кириб, хона ичида бўлган фуқаро Э.Усмоновга тегишли 1 дона нархи 890.000 сўмлик электр аррани яширин равишда талон-торож қилганликдан иборат жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, шунингдек судланувчи А.Абдуғаниевни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчиларга нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим” лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” лиги ҳақида тушунтиришларга амал қилган ҳолда,

-судланувчи А.Абдурахмонов томонидан содир этилган жиноят оғир жиноятлар тоифасига киришлиги, судланувчининг ёши (19 ёш), уйланмаганлиги, ота-онаси ажрашган ҳолда алоҳида-алоҳида турмуш қуриб яшаши, жиноятни содир этилишига олиб келган омиллар, айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарар миқдори ҳамда зарарлар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқ бўлиб судланувчига нисбатан енгиллик бериш ҳақидаги талаби каби жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатлар борлигини ҳамда жиноятнинг зарурий белгисидан ташқари ЖКнинг 56-моддасида қатъий белгиланган оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ бўлса-да, илгари худди шу каби жиноятни содир этиб ўзига тегишли хулоса чиқармаган ҳолда қайта қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтганлигига танқидий муносабатда бўлиб, унга нисбатан ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ҳамда ЖКнинг 60,61-моддасига кўра илгари 29.01.2021 йил кунги жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг ҳукми билан тайинланиб, ҳозирда ўталмай қолган 4 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосини янги тайинланган жазога қисман кўшиб ўташ учун узил-кесил жазо тайинлашни;

-судланувчи А.Абдуғаниев томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киришлиги, судланувчининг ёши (19 ёш), уйланмаганлиги, жиноятни содир этилишига олиб келган омиллар, муқаддам судланмаганлиги, жиноят содир этилишидаги роли, жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги, айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарлар миқдори ҳамда зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқ бўлиб судланувчига нисбатан енгиллик бериш ҳақидаги талаби каби жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатлар борлигини ҳамда ЖКнинг 56-моддасида қатъий белгиланган оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда ЖКнинг 62-моддасига кўра уй қамоғида сақланган кунларини тайинланган жазодан чегиришни, шунингдек жабрланувчининг моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 471-474, 497-1-моддаларини қўллаб, суд



## Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Абдурахмонов Азизбек Ортиқназар ўғли (Abdurahmonov Azizbek Ortıqnaazar o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

А.Абдурахмоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Абдурахмоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, илгари 29.01.2021 йил куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 4 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосини янги тайинланган жазога қисман қўшиб ўташ учун узил кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 25 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Абдурахмоновга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгаришсиз аслича қолдирилсин.

Судланувчи Абдуғаниев Акбаржон Ахроржон ўғли (Abdug'aniev Akbarjon Aхроrjon o'gli) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Абдуғаниевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Абдуғаниевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига кўра, уни 2021 йил 25 май кунидан 2021 йил 27 июль кунига қадар уй қамоғида сақланган ҳар бир кунини, тайинланган жазонинг уч кунига тенглаштириб, жазони 6 ой 6 кунини ўталган деб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 2 (икки) йил 5 (беш) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо жазони ижро эттирувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона муассаса ташкилотда иш бошлаган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Боғдод туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Абдуғаниевга нисбатан қўлланилган уй қамоғи эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

А.Абдуғаниевга нисбатан ҳукм қонуний кучга киргунга қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.



Жабрланувчининг судланувчиларга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.Мирсадиков

Нусхаси аслига тўғри

О.Мирсадиков

